



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 23 январь, № 17 (8640) Сешанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАКЛИФЛАР Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 22 январь кун соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббиёт сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган. Бу ислохотларни жадаллаштириш ва ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида халқаро экспертлар иштирокида таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офисини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. У давлат тиббий сургурси тизимини ҳамда давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим тизими ва илм-фан соҳасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш каби йўналишларга масъул этиб белгиланади. Шунингдек, бу марказ рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, давлат харидлари шаф-фодлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислох қилишга кўмаклашади.

Лойиҳа офиси фаолиятига ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассислари, шунингдек, хорижий эксперт ва маслаҳатчилар шартнома асосида жалб қилинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган ислохотлар етук кадрлар сало-

ҳиятини талаб этади. Шу боис бу борада бир қанча чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. Унда жамоат саломатлиги, профилактика тиббиёт, жисмоний фаоллик ихтисосликлари бўйича магистрлик йўналишлари очилади. Тиббиёт йўналишидаги талабалар билимини халқаро тан олинган тизим асосида, икки босқичда давлат имтиҳонлари орқали баҳолаш йўлга қўйилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб тиббиёт олийгоҳларининг 200 нафар битирувчиси магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларида ўқитилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, дерматовенерология ва косметология марказлари, Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Жорий йилда амалдаги 40 та санитария қоида ва нормалари қайта кўриб чиқилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш юзасидан топшириқ берди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНИБ, ЯНГИ СУРЪАТ КАСБ ЭТАДИ

“Синьхуа” ахборот агентлиги, “Жэньминь Жибао”, “Global Times”, “China Daily” газеталари, “Beijing Review”, “Китай”, “Diplomat Magazine” ва “Lookwe” журналлари, “CCTV” ва “CGTN” телеканаллари сингари Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётига бағишланган ўндан ортиқ таҳлилий мақола, интервью ва репортажлар эълон қилинди.

Дунё нигоҳи

Бундан ташқари, “Lookwe” ва “Psearcher” журналларининг Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг асосий воқеаларига бағишланган махсус сони хитой ва инглиз тилларида босилиб чиқди.

Хитойнинг инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли “China Daily” газетасида “Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқалар тараққиётга ҳисса қўшмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Нашрда хабар берилганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан сешанба кун уч кунлик ташриф Хитойга боради.

Хитой босма нашрида, шунингдек, бу Ўзбекистон раҳбарининг ўтган йилнинг октябрь ойида Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги иштироки ҳамда 2023 йил май ойида ушбу мамлакатга давлат ташрифидан



кейин саккиз ой ичидаги учинчи ташрифи бўлиши таъкидланган.

“Бўлажак давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг юксак даражасини ҳамда икки мамлакат етакчилари ўртасидаги чуқур дўстликни тўлиқ намоён этади, — деб ёзилган “China Daily”да Хитой

Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мао Ниннинг баёнотида таяниб. — Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида маданият, таълим ва минтақавий ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш, ҳар икки давлат ва халқларга янада катта фойда

келтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилади”.

Мисрнинг “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги “Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик янги босқичда” сарлавҳали мақолани тарқатди.



СПОРТДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасида эришилган натижалар ва халқаро мусобақаларга кўриладиган тайёргарлик бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда спорт анча оммалашган, ёшлар спортсевар. Давлатимиз раҳбари ғояси билан ташкил этилган “Беш ташаббус олимпиадаси” жисмоний маданиятни янада кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили мазкур олимпиада доирасидаги мусобақаларда 6 миллион 400 минг нафар ёшлар қамраб олинди. Спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда 449 та намунавий спорт майдончаси барпо этилди.

Беш босқичли оммавий мусобақаларда қарийб 12 минг нафар иқтидорли ёшлар танлаб олинди, спорт мактабларига йўналтирилди. Соҳадаги ҳар бир мактаб муайян спорт турларига ихтисослаштирилиб, янги инвентар ва анжомлар билан таъминланди. Буларнинг натижасида миллий терма жамоаларга спортчи етказиб бериш кўрсаткичи ҳам ошмоқда.

Профессинал спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилмоқда. Айни кунларда Жанубий Кореяда ўтаётган ўсмirlар ўртасидаги IV киши олимпия йўналирида тоғ чангиси бўйича спортчиларимиз иштирок этмоқда.

Маълумки, бу йил Париж шаҳрида тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ҳозирга қадар атлетларимиз уларга мос равишда 17 та ва 34 та йўлланмани қўлга киритган. Спортчиларимизнинг яна йўлланмалар олиши ва мусобақага пухта тайёргарлик куриши учун барча шароит яратилган.

2025 йилда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган ёшлар ўртасида Осиё ва Парасиё ўйинлари ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Олимпия шаҳарчаси курилиши жадал давом этмоқда.

Жорий йилда ижтимоий дастурлар доирасида 42 та спорт иншооти куриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. “Беш ташаббус олимпиадаси” қамровини янада кенгайтирган ҳолда иштирокчилар сонини 7 миллионга етказиш мўлжалланган. Спорт мактабларида қўшимча мингдан ортиқ гуруҳлар очиб кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари спорт таълимини ривожлантириш, спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлашда илғор ёндашувларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Акс садо

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи арафасида мазкур мамлакатнинг дунёдаги энг катта аудиторияга эга бўлган етакчи нашри — “Жэньминь жибао” газетасида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон — Хитой: минг йиллар бардавом дўстлик ва ҳамкорлик» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар, стратегик шериклик ва азалий дўстлик ҳақида фикр билдирилган бу мақола дунё жамоатчилиги ва эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Айни вақтда Хитойда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазирини Иброҳим Абдурахмонов муҳбиримизга мақола юзасидан ўз фикрларини баён этиб, аграр соҳадаги ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Президентимизнинг мақоладаги “ҳар гал Хитойга келар эканман, бу ерда амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган муваффақиятларга, ўзининг кўп асрлик орузи сари модернизация йўлидан дадил бораётган хитой халқининг бунёдкорлик кучи, меҳнатсеварлиги ва истезодига чин дилдан таҳсин айтаман” деган фикрлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар нақадар дўстона руҳга эга эканлигини далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йилдаги биринчи расмий сафари мантили Хитой бўлгани ҳам бежиз эмас. Бинобарин, тарихий ришталаримиз асрлар

оша жаҳон савдосининг энг муҳим йўналиши бўлиб келган Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши даврига бориб тақалади. Энг қадимги ҳужжатли манбааларда милоддан аввалги 126 йилда Хань сулоласининг илк элчиси Чжан Цянь Фарғона водийсига давлатчилик Паркана (хит. Довон) давлатига ташриф қилгани хусусида батафсил маълумотлар мавжуд.

Хитой шойиси, қоғози, чининиси, чойи ва бошқа маҳсулотлари Самарқанд, Бухоро каби кўҳна шаҳарларимиз бозорлари орқали бутун дунёга тарқалган. Фарғонадан Хитойга зотдор отлар, беда, узум уруғи каби

кўплаб маҳсулотлар билан бир қаторда шаробчилик, боғдорчилик технологиялари кириб борган.

Президентимизнинг мақолада ҳам шу жиҳатга эътибор қаратилиб, ўша қадимий давлатчилигимизда Хитой элчиларининг Паркана давлатига ташрифи давомида жуда катта савдосотиқ ишлари амалга оширилгани ва бунинг натижасида Хитойнинг кўплаб маҳсулотлари юртимизга олиб келингани ҳамда Буюк Ипак йўли орқали бутун дунёга тарқалгани айтиб ўтилган. Бу нафақат савдо-сотиқда, балки илм-фан, маданият ва маърифатни ривожлантиришда муҳим роль ўйнагани, айниқса, математика, астрономия, тиббиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик нафақат халқларимизга катта фойда бергани, балки икки давлатни доим боғлаб тургани таъкидланган. Бунда, айниқса, Абу Али ибн Сино бобомизнинг тиббиёт соҳасидаги оламшумул ишлари Хитой тиббиётининг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.



Энергетика

Хитой компанияси йирик лойиҳани амалга оширмоқда

Хитойнинг “China Gezhouba Group Overseas Investment Co. LTD” компанияси Нишон туманининг Гулистон маҳалласи ҳудудидаги 1000 гектардан ошқ яланликда қуввати 500 МВт бўлган йирик кўёш фотозлектр станциясини барпо этмоқда.

Эътиборли томони, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган 350,0 миллион АҚШ доллари ҳисобидан маблағни Чин юрти тадбиркорлари тўлиқ ўз ҳисобидан сарфлайди. — Айни пайтга қадар кўёш фотозлектр станциясининг 200 МВт қувватли қисмини қуриб ишга туширидик, — дейди корхона бош муҳандиси Ли Хуи-ханг. — Яна 300 МВт қувватли қисмида эса қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Жорий йил сўнгига қадар станцияни тўлиқ фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Мазкур кўёш фотозлектр станцияси ишга тушгач у ҳудуддаги очиқ тақсимлаш қурилмаси орқали марказий тармоққа улашиб, электр энергияси етказиб беришни бошлайди. Бу фаолият ордидан эса ҳудуддаги 50 нафар кишининг доимий иш ўрнига эга бўлиши кўзда тутилган.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2024 йилнинг 20 январь кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Сенатнинг қирқ тўққизинчи ялпи

мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда санитария ҳолатини ва экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар олиб



Қонунчилик палатаси фракцияларида

ҚИЗГИН ФИКР АЛМАШИНУВИ ВА ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИАТЛАР АСОСИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз раислигида шу йил 18 январь кун 2024 йилда инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган йўналишлардан келиб чиқиб, партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари олдига турган асосий вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда оид бир қатор муҳим қонун лойиҳалари ҳам муфассал кўриб чиқилди.

Тадбиркорлик ривожидан уланган пойдевор

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши ва аҳоли даромадларининг ошиши миллий иқтисодийнинг турли соҳаларига жалб этилаётган инвестиция

маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Бугунги долзарб вазиятда ҳеч бир мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмагани кундек равшанлашмоқда.



